## БУГУН ВА ИСТИҚБОЛ

### Тикланиш уфқлари

# МИЛЛИЙ АҲОЛИ СИЁСАТИ

Мустақиллик даври бошлангандан бери ўзбек халқининг миллий ўз-ўзини англаши йўлида қанчадан-қанча ишлар амалга оширилди. Биз у ишлар билан фахрланамиз. Лекин улар ҳали бошланиш.

Ўзбек миллатининг бугунги авлодлари тараққиётимиз, обрў-эътиборимизни тинмай кўтариб бориш йўлида поёнсиз уфқлар сари чиққанмиз.

70 йилдан ортиқ даврни ўз ичига олган совет мустамлака тартиби ҳукмрон бўлган вақтда ўзбек миллати, собиқ иттифоқнинг барча миллатлари каби, миллий ўзлигини англаш, мустақил тараққий этиш имкониятини йўқотди. Ягона совет халқи, ягона маданият барпо этиш ниқоби остида империя руслаштириш сиёсатини олиб борди. Ҳамма нарсани марказдан бошқарди. Миллатлар империя сиёсатининг қулларига айлантирилди.

У аянчли кунлар орқада қолди. Мустақил ҳаётга эришдик. Янги ҳаёт пойдевори барпо бўлди. Меҳнатсевар ва сабр қаноатли ўзбек халқи тарихининг янги саҳифаси очилди.

Буюк давлатни фақат буюк халқ барпо қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги куннинг энг муҳим вазифаси — миллатимизни талабга жавоб берувчи билим, таълим ва маданият, фан ва техника, маънавият ва маърифат даражасига кўтариш ҳисобланади. Бу миллий мафкура олдига жуда катта вазифалар қўяди.

Миллий мафкура Ўзбекистон миллий сиёсатининг негизини ташкил этиб, унинг асосий вазифаси — ўзбек халқининг миллий қайта тикланишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан буён Республика Президенти ва ҳукумати томонидан чуқур ўйланган, муқобил давлат миллий сиёсати амалга оширилмоқда.

Конституцияга кўра асосий мақсади республика ҳудудида истиқомат қилаётган барча миллатлар тараққиётини таъминловчи ва цивилизациялашган миллатлараро муносабатларни шакллантирувчи Ўзбекистон миллий сиёсати, давлат умуммиллий сиёсатининг ниҳоятда муҳим қисми ҳисобланади.

Давлат умуммиллий сиёсатига миллий сиёсатдан ташқари иқтисодий ва социал, илмий-техника, таълимий ва соғликни сақлаш, халқаро муносабатлар (ташқи сиёсат), миллий хавфсизлик ва бошқа сиёсатлар киради.

Ўзбекистон умуммиллий сиёсатининг кўп бўлимлари юқори илмий даражада тайёрланган ва республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Бу ўринда умумжаҳон жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланган ва дунёда катта акс садо берган миллий иқтисодий сиёсат, ташқи сиёсат, миллий хавфсизлик сиёсатини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон умуммиллий сиёсати асосида барча миллатларга тенг шароит, имкониятлар яратилиб, шу билан бирга ўзбек халқи менталитети, унинг миллий маданияти, анъаналари, оила-турмуш тарзи ва бошқаларни ҳар томонлама ҳисобга олиш мафкураси ётади. Айнан, шунинг учун биз Ўзбекистон ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлига эга деб таъкидлаймиз. Бугун социал-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширувчи алоҳида самарали ўзбек модели ҳақида ҳам сўз юритилмоқда.

Ўзбекистон умуммиллий сиёсатининг катта тизимида миллий аҳоли сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Бу сиёсат диққат-марказида миллатидан қатъий назар, инсон туради. Бунда миллий аҳоли сиёсати республика аҳолисига хос сифат кўрсаткичларни яхшилашни кўзда тутади.

Бу ерда қайси миллатга тааллуқли бўлишидан қатъий назар гап жами аҳолига хос сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳақида юритилаётганлигини таъкидлаш лозим. Лекин, ўзбек халқининг ўз тарихи давомида ва айниқса оғир мустамлакачиликни бошдан кечирганлиги, жуда мушкул миллий таназзулга учраганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда сиёсатни тарихий адолатни тиклаш принципи асосида амалга ошириш зарурдир. Бундай ёндошув ўзбекларни, бошқа халқлар ҳуқуқларини заррача камситмаган ҳолда республика асосий халқи сифатида нисбатан тез ва ҳар томонлама ривожланишини кўзда тутади.

Бу ўринда шундай принцип бугун ҳам кўпгина юқори даражада ривожланган, цивилизациялашган мамлакатларда амалга оширилаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Мисол тариқасида Францияни келтириш мумкин.

Бугун бизни аҳолимизнинг сони эмас, балки унинг сифат кўрсаткичлари ташвишлантирмоқда. Табиий ўсиш яқин келажакда республика аҳолисининг барқарор кўпайишини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 23 млн. дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Илмий ҳисобларимизга кўра республика аҳолисининг сони 2000 йилда ҳозиргига нисбатан анча кўпаяди. Бу кўпми ёки кам? Жавобимиз битта: бу жуда кам. Мисол тариқасида Японияни олайлик. Аҳолисининг сони 125 млн. дан ортиқ. Майдони эса атиги 372 минг кв. км. ни ташкил этади. Аҳоли зичлиги бир квадрат км. га 380 кишига тенг.

Ўзбекистон майдони 447,4 минг кв км, аҳолисининг зичлиги эса 1 кв км га атиги 50 кишига тенг. Ундан ташқари кўпчилик республика аҳолисининг ўсиш суръатлари тушиб бора ётганлигини билмайди. Агар 60-йилларда Ўзбекистон аҳолисининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,8 фоизни, 80-йилларда 2,9 фоизни ташкил қилган бўлса, бугун ушбу кўрсаткич бор-йўғи 1,7 фоизга тенг холос. Республика аҳолиси ўсиши суръатларининг пасайиши нафақат миграция ҳисобига, балки туғилиш ва табиий кўпайишнинг қисқариши натижасида ҳам амалга ошмоқда. Ҳозирги вақтда 1985 йилги маълумотлар билан таққослаганда, ҳар 1000 кишига нисбатан республикада 7 бола кам туғилмоқда. Шунга қарамасдан, биз диққатни аҳолининг миқдор кўрсаткичларига қаратмоқчи эмасмиз. Ҳозирги вақтда аҳолининг саломатлигини яхшилаш асосий муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистондаги шаклланган умумий социал-иқтисодий ва демографик вазиятдан келиб чиққан ҳолда бугун биз республика аҳолисининг сифат кўрсаткичларига диққатимизни қаратмоқчимиз. Бунда соғликни сақлаш соҳасидаги ҳолатни ўртача умр даври, таълимий ва касб-ҳунарга тайёргарлиги, аҳолининг социал таркиби, бандлиги, урбанизация даражаси, ҳудудий фаоллиги, маънавият асослари, миллий қадриятлар ва анъаналар, уларнинг ҳозирги ҳолати, имон-эътиқоди ва руҳий интилишлар кучи ва бошқаларни кўзда тутмоқдамиз.

Агар Ўзбекистон аҳолисининг ҳолатига юқорида қайд этилган хусусиятларга кўра назар ташлайдиган бўлсак, унда совет мустамлака тузуми томонидан оғир «мерос» қилиб қолдирилган жуда паст сифат кўрсаткичларига дуч келамиз. Бизга ўтмишдан мерос сифатида юқори кўрсаткичли бола ва она ўлими, ўртача умрнинг қисқалиги, умумий саломатликнинг ёмонлашгани қолди. Республикада аҳолининг ўртача умр даври 68 ёшни ташкил этади, бу эса ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичлардан кам.



Масалан, у Японияда 79 ёшга, Шветсия, АҚШ ва бошқа қатор малакатларда 78 ёшга тенг ва ҳоказо.

Ўзбекистонда эркакларнинг ўртача умр даври аёлларникига қараганда анча паст бўлиб, атиги 64 ёшни ташкил этади.

Республикада асосий миллатнинг кўп қисми 80 фоизгача қишлоқ жойларда яшайди ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланади.

Ўзбекистонда совет истибдоди йилларида миллий ишчи синфи амалда барпо қилинмади. Юқори малакали мутахассислар кўпроқ айрим тор доирада — қишлоқ хўжалиги, маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларида тайёрланар эди. Юқори илғор технологиялар соҳаси (электроника, радио ва телетехника, ҳисоблаш техникаси, робототехника, космик техника ва ҳоказо) бўйича миллий кадрлар тайёрлаш жуда орқада қолиб кетган эди.

Устига устак Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси қадимдан қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, савдо-сотиққа қизиқади, юксак индустриал соҳаларда меҳнат қилиш, илм-фаннинг фундаментал, агротехник йўналишларида ишлашга қобилиятсиз деган сохта кўз қараш ҳам йўқ эмас эди.

«Миллий аҳоли сиёсати» тушунчасининг ўзини биз, республика демографлари, социал-сиёсий мустақилликка тўла эришгандан кейингина ишлата бошладик. Илгари собиқ умумиттифоқ демографик сиёсатининг узвий бир қисми сифатида Ўрта Осиё аҳолисининг регионал сиёсати ҳақида сўз юртиб келганмиз.

Совет аҳоли сиёсатида Ўрта Осиё туб халқларининг ҳуқуқлари очиқдан-очиқ камситилар эди, айниқса, 80-йилларда туғилишни пасайтириш ва оилада болалар сонини камайтириш тавсия қилинарди. Шу вақтнинг ўзида Россияда туғилиш камайиб кетмоқда деб тинмай айюҳаннос солинар, туғилишни кўтариш, рағбатлантириш ва оилада болалар сонини кўпайтириш сиёсати ўтказиларди.

Ўзбекистон миллий аҳоли сиёсати қатор мустақил, лекин бир-бири билан узвий боғланган — демографик сиёсат, миграция сиёсати, урбанизация сиёсати ҳамда аҳоли бандлиги сиёсати кабиларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон демографик сиёсати она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадини кўзловчи туғилишни режалаштиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Бунда туғилишни пасайтириш ва оилада болалар сонини камайтириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Сўз фақат туғилишни маданий тусда режалаштириш ҳамда туғиш ўртасидаги уч йиллик интервалга риоя қилиш ҳақида юртилиши мумкин. Зеро, она ва болалар саломатлигининг асоси ҳисобланмиш туғилишлар ўртасидаги уч йиллик оралиққа риоя қилиш ислом дини томонидан ҳам тавсия этилган.

Экологик инқироз боис саломатликка путур етганлиги, овқатнинг етарли қувватга эга эмаслиги натижасида Марказий Осиёда гўдак болалари бор аёлларнинг кўпчилигида кўкрак сути ҳосил бўлиш жараёни бузилган. Бунинг устига Марказий Осиё туб аҳолиси ўртасида генетик бузилишлар ҳам кузатилмоқда. Бу ҳақида Президент Ислом Каримов Орол денгизи минтақасида кузатилаётган экологик инқироз билан боғлаган ҳолда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар минбаридан бир неча бор сўзлади. Бундай вазиятдан чиқиш учун республикада «Оила ва саломатлик» хизмати катта аҳамият касб этади. У «никоҳ ва оила» кабинетидан, тиббий ва генетик пунктлардан ва аёллар маслаҳатхоналарини ҳам ўз ичига олади. Мазкур хизмат турлари она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида туғилишнинг замонавий маданиятини шакллантириш билан ҳам шуғулланади.

Тадқиқотларимиз аҳоли оилада туғилиш маданиятига риоя этиш зарурлигини тўғри тушунаётганлигини кўрсатади. Бунда ҳар бир оила қанча болага эга бўлишини ўзи ҳал қилади. Давлат оилавий турмушнинг ушбу нозик соҳасига аралашмайди. Лекин у оилага илмий асосланган чора-тадбирлари билан фаол ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистонда миллий миграция сиёсати туб аҳолининг ҳудудий фаоллигини кучайтиришга ва ташқи миграцияни режалаштириб туришга қаратилиши керак.

Туб аҳоли ана юртга, туғилган ерга қаттиқ меҳр қўйган. Улар ота юртни ғоятда истаб-истамай тарк этишади.

Бу бир томондан жуда яхши. У оилавий анъаналар, қариндош-уруғчилик алоқаларини сақлаб қолишга имкон беради. Лекин, шу билан бирга туб аҳоли сифат кўрсаткичларининг муҳим омили ҳисобланувчи унга хос ҳудудий ҳаракатни албатта кўтариш лозим. Бунга қишлоқ ёшларини шаҳарга ўқишга ва ишга ҳамда маҳаллий иқтидорли ёшларни ривожланган хорижий мамлакатларга ўқитишга ва ишга жалб қилиш йўли билан эришиш мумкин.

Иккинчидан, миграция сиёсатида республикага келаётганлар олдига жиддий қонуний талаблар қўйилиши лозим. Юқори малакали, софдил мутахассисларга эшикларимиз очиқ бўлиши керак. Малакасиз, уқувсиз, тасодифий кўчиб юрувчиларга эшикни маҳкам «беркитиш» зарур. Собиқ совет йилларида айнан ана шундай тинимсиз кўчиб юрувчилар боис иқтисодий, маънавий вазият анча оғирлашган эди.

Иттифоқнинг парчаланиб кетиши билан жами «постсовет» маконида мураккаб социал-иқтисодий вазият шаклланган. Кўнимсизларнинг «янги» кўчишлари авж олди. Мазкур жараён бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтмади. Миграция кейинчалик ҳам давом этади. Биз буни ҳар томонлама ҳисобга олиб ўзимиздан малакали мутахассисларни етиштиришга бутун кучни қаратмоғимиз зарур бўлади.

Бундай ҳолатда республикада ушбу масала бўйича оқилона сиёсат ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш лозим. Ҳа, юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор йўналтирилиши лозим.

Ўзбекистон аҳоли миграцияси сиёсати билан урбанизация сиёсати узвий боғланган. Шаҳар аҳолисининг салмоғи, яъни урбанизациянинг умумий даражаси бугунги кунда республикада атиги 38 фоизни ташкил этади. Бундан кейинги йилларда урбанизация даражаси камайиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир, 1979 йили мазкур кўрсаткич 41,2 фоизни ташкил этган.

Ўзбекларнинг 80 фоизгачаси ҳозирги вақтгача ҳам қишлоқ жойларида яшайди. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда урбанизация сиёсатининг асосий йўналиши туб аҳолини ўрбанизациялашганлик даражасини кўтаришга қаратилиши лозим.

Ўзбекистонда урбанизация жараёни ўзига хос хусусиятга, ўзига хос алоҳида йўлга эга. Ўзбекларнинг урбанизациялашганлик даражаси асосан қишлоқ жойларини ҳар томонлама тараққий эттирилиши, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, социал-маиший инфраструктура ва бошқаларга жалб қилиш йўли билан кўтарилиши керак. Бу йўналишда республикада кейинги йилларда миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ жойларда кичик ва ўрта саноат корхоналари, цехлар, йирик саноат корхоналарининг филиаллари қурилмоқда, очилмоқда, хилма-хил қўшма корхоналар барпо қилинмоқда.

Қишлоқ жойларини урбанизациялаштирилишида республика Президентининг шу йил эълон қилинган қишлоқ жойларида социал инфраструктурани ривожлантирилиш ҳақидаги фармони муҳим рол ўйнаши керак.

Миллий аҳоли сиёсатининг энг муҳим бўлимларидан бири бўлиб аҳоли бандлиги сиёсати ҳисобланади. Маълумки республика иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиши билан кун тартибида ишсизлик муаммоси долзарб бўлиб турибди.

Республикада иқтисодий ислоҳатларгача бўлган даврда ҳам ишсизлик катта эди. Совет йилларида маҳаллий меҳнат ресурслари сони ўсиб борар, лекин миллий ишчи кадрлар тайёрланмас эди. Туб аҳолининг бандлиги деярли бир йўналишга, асосан қишлоқ хўжалигига тўғри келарди.

Мустақиллик шароитида миллий аҳоли бандлиги сиёсати республика туб аҳолиси бандлигини кўтаришга ва унинг тармоқ таркибини такомиллаштиришга қаратилиши лозим.

Бунинг учун жами вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда халқ хўжалигининг хилма хил тармоқлари бўйича доимий равишда янги иш жойларини барпо қилиш зарур.

Бунда замонавий, самарали меҳнатни кўп талаб қилувчи саноат тармоқларига (радио ва видеотехника, электроника, машинасозликнинг бошқа тармоқлари) алоҳида эътибор берилиши лозим. Катта миқдордаги меҳнат ресурсларини талаб қиладиган ишлаб чиқариш, социал ва маиший хизмат кўрсатувчи инфраструктура ҳам иш жойи билан таъминлаши мумкин. Ушбу масалада асосий эътиборни туб аҳолига йўналтириш ниҳоятда муҳимдир.

Расмий маълумотларга биноан республикада ҳозирги вақтда 50 минг киши ишсиз деб қайд этилган. Булар ишсиз мақомини олган ҳамда давлат томонидан нафақа олиш ҳуқуқига эга шахслар.

Ишсизлик айниқса аёллар орасида ва қишлоқ жойларида ниҳоятда юқори даражага эга. Кўп болали аёлларнинг аксарияти болалар тарбияси ва уй хўжалигидаги юмушлар билан банд.

Болалар — келажагимиз. Қандай бўлишимиз, уларни қандай тарбиялашимизга боғлиқ. Шундай экан, болалар тарбияси оилада энг муҳим иш деб ҳисобланиши энг нуфузли йўналишларидан биридир.

Демак миллий тикланиш ва миллатни ривожлантириш муаммоси ўта мураккаб ва кўп қирралидир. Уни ҳар томонлама ўйлаб ижобий ҳал этиш учун Ўзбекистон миллий сиёсатининг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш ва уни узлуксиз равишда ҳаётга татбиқ қилиш зарур. Миллий сиёсат тизимида республика миллий аҳоли сиёсати ўзининг алоҳда ўрнига эга бўлиши керак.

Миллий аҳоли сиёсати асосларини ҳаётга амалий татбиқ этиш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Авваламбор аҳоли миграцияси ҳақида қонун қабул қилиш учун зарурат вужудга келганлигини айтиб ўтиш керак. Бундай қонун собиқ СССРнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан Марказий Осиёдаги қўшни давлатларда қабул қилинган.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик асосларини ривожлантиришда энг нуфузли йўналиш ҳисобланган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурдир. Умуман оила қонуни (кодекси)ни пухта ишлаб тезроқ амалча ошириш керак.

Ўзбекистон аҳолиси бандлиги ҳақидаги қонун ҳам янги шароитда такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Аҳоли ривожланишининг муҳим ва мураккаб муаммоларини амалий ечими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида аҳоли ривожланишини бошқариш бўйича махсус гуруҳ, Вазирлар Маҳкамасида эса аҳолишунослик бўлими ташкил қилина ижобий ҳал бўлиши мумкин. Бундай аҳолишунослик бўлимлари кўпчилик мамлакатлар хукуматлари қошида мавжуд. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолишунослик Кенгаши билан улар конструктив алоқаларда ҳамда мазкур ташкилотнинг амалий ёрдамини олиб турибди.

Ўзбекистон яқин вақт ичида жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари қаторига киришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Мамлакатимиз ҳақиқатдан ҳам порлоқ келажакка эга. Буларнинг ҳаммасининг кафолати халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва донолигидир.

**Озод ОТА-МИРЗАЕВ,**
**Собир Раҳимов тумани Миллий тикланиш партияси кенгашининг раиси, профессор**

---

*«МТ»нинг санъат давралари*

## ЧАНГЧИЛАР АНСАМБЛИ

Саҳна очилади. Безак — ҳашаматлари бир хил ишланган. Нақшинкор бир неча чанг — миллий чолғулари ва уларнинг ёш созанда-ижрочилари саҳнада намоён бўладилар.

Дилрабо куй ижроси бошланади. Аксарият қизлар қўллари чанг чўпини баравар ва чиройли ҳаракатга келтирадилар.

Залга мусиқа оҳанглари гоҳ қаттиқ, гоҳ юмшоқ лирик маънода таралади. Куй давомида гўзал табиат, мардлик, тупроғи зар, ҳосили гавҳар, Ўзбекистоним — менинг ватаним каби маънолар тингловчилар қалбига етиб боради. Бир зум куй ижроси тугайди, сўнгра кетма-кет чанг таронаси—сеҳрли оҳанглар янграйди. Биз ҳикоя қилаётган ижодий жамоа — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг талаба чанг миллий чолғулар ансамбли.

Бу ажойиб истеъдодли ёшларга маҳоратли соз соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмад Одилов раҳбарлик қилмоқда. Бу ансамбл ниҳоятда бой мусиқа меросимизни тарғибот этишда, мусиқа маданиятимизни юксалтиришда бастакорлар яратаётган мусиқий асарлар билан кенг жамоатчиликни яхшироқ баҳраманд этиш, ёшларни мусиқий эстетик тарбиялаш каби ишларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Биз чангчилар ансамблининг ташкил этилиши, ижодий фаолияти ҳақида гапириб беришни ансамбл раҳбари таниқли санъаткор, **Аҳмаджон Одиловдан** илтимос қилдик:

— Ўзбек халқ чолғулари ансамбл ижрочилиги ўзига хос тарихга эга. Шарқ олимларининг ноёб рисолаларида, моддий маданият ёдгорликларида, тасвирий санъат асарларида, жумладан, девордаги расмлар, сопол ҳайкалчалар ва турли хил миниатюраларда эрамизнинг VII асридаёқ икки турдаги халқ чолғулари ансамбли мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Улардан бири дамли ва урма зарбли чолғулар ансамбли бўлиб, карнай, сурнай, доира, ноғора, катта барабан каби чолғулардан иборат бўлган. Иккинчиси, аралаш-камер (хонака) типдаги чолғулар ансамблидир. Бу йўсиндаги ансамбллар таркибига най, чанг, рубоблар, дутор, танбур, ғижжак ва доира каби чолғулар киритилган. Янги давр янги ғояларни кашф этди. Чолғулар замон талабига кўра янгичасига тикланди. таъмирланди, такомиллаширилди. Бу ҳол ансамбл ижрочилиги тараққиётига ҳам таъсир кўрсатди. Ансамблларни янги турлари пайдо бўлди. Булар дуторчилар ансамбли, ғижжакчилар ансамбли, доира ансамбллари кабилардир.

Шу боис чанг миллий чолғулар ансамбли ҳам тасодифан юзага келган эмас, унинг ўзига хос тарихи бор. 1964 йилларда тажриба тариқасида Тошкент шаҳар халқ филармонияси қошида чанг ижрочилари ансамблини ташкил этишга киришдик. Тез орада чанг чолғуси ишқибозларини жалб қилиб йигирма кишидан иборат ансамбл ташкил этишга эришдик.Ижрочилар асосан ишчилар, хизматчилар, талаба ва зиёлилар эди. Ансамблнинг ижрочилик санъати тез орада тингловчилар, мусиқа шинавандалари томонидан юқори баҳоланди ва қизғин кутиб олинди.

Миллий чанг чолғулари ансамблини консерваторияда ўзбек халқ чолғулари факультети қошида ташкил қилишга қўл урдик. Орзуларимиз тез орада амалга ошди. 1969 йилнинг сентябр ойида ансамбл ташкил этилди. Чанг чолғулари ансамбли кўп овозли бўлиб, биринчи, иккинчи тенор, бас тўдаларини ўз ичига олади. Ансамбл сафида ҳозирда таниқли якканавоз чанг ижрочилари Рустам Неъматов, Фазилат Шукурова, Тоҳир Собиров, Талъат Хўжамбердиев, Темур Маҳмудов сингари талабалар бор эди. Бу уюшқоқ жамоа тинмай ижодий меҳнат қилди. Қатор концертларда фаол қатнашди. Ўзбекистон радиоси ва зангори экранлари орқали кетма-кет кўрсатувларда қатнашишди. Ижодий изланишлар натижасида ансамблнинг ижро репертуари кичик асарлардан жаҳон тан олган машҳур композиторлар Иоган Бах, Жорж Бизе, Иоган Браме, Ференц Лист, Моцарт, Чайковский, Хачатурян, Ўзбекистон композиторлари Тўхтасин Жалилов, Мутал Бурҳонов, Ҳамид Раҳимов, Сулаймон Юдаков ва ўзбек мусиқий мероси ҳисобига янада бойиди.



1973 йил 13 июлда Москвада касабалар уюшмаси залида ансамбл маҳорат билан ижро этган куйлар жаҳон мусиқа санъатининг машҳур намоёндаларини ҳаяжонлантирди. Бу ЮНЕСКО бутун жаҳон ташкилотининг ёш болалар ва ўсмирлар мусиқий эстетик тарбиясига бағишланган анжуманида бўлган эди. Машҳур композиторлар Дмитирий Кабалевский, Арам Хачатурян, Тихон Хренников, Анатолий Новиковнинг самимий ташаккурига сазовор бўлдик. Чанг миллий чолғулар ансамбли юксак маҳоратли ижроси учун анжуман дипломи билан тақдирланди. Мусиқий жамоатчилик эътиборига тушди. Ансамбл Озарбойжон, Тожикистон, 1987 йилларда Россияда ўз маҳоратини кўрсатди.

Ансамбл ва унинг якканавоз созанда ижрочилари Рустам Неъматов, Фазилат Шукурова, Тоҳир Собиров, Иброҳим Холбеков, Бахтиёр Абдураҳмонов, Ҳамид Усмонов, Абдувоҳид Тошпўлатов, Ўктам Эргашев, Умрбону Юсупова, Камила Шерматова, Баҳром Аҳмадалиев, Дилшод Муталов, Сардор Неъматов, Нилуфар Ибрагимова, Мансур Орипов халқ чолғулари созанда ижрочиларининг халқаро ва республика танловларининг лауреатларидир. Маъсуда Миродуллаева эса талабалик чоғларидаёқ Ереванда А. Спендиаровнинг 100 йиллик тантанасида қатнашиб юксак мукофотга сазовор бўлиб қайтган. Рустам Хўжаев, Илҳом Икромов, Шуҳрат Юсупов, Анвар Лутфуллаевлар ҳозирда консерватория ва Маданият институти доценти лавозимларида фаолият кўрсатишиб ёш ижрочиларга мураббийлик қилиб келмоқдалар. Фаррух Мирусмонов, Тозабой Мамадиёров, Эргаш Тошматов, Тилаш Хўжамбердиев, Фазилат Шукурова, Маннон Эргашевлар Ўзбекистон Республикасини юксак мукофоти — фахрий унвонлар билан тақдирланганлар. Ҳозирги кунларда ансамбл жамоаси Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг 60 йиллик юбилейига муносиб маданий хизмат қилиш йўлида қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Янги куй ва қўшиқлар ҳисобига ижро репертуаримизнинг ниҳоятда кенгайтирмоқдамиз.

**«МТ» ТАҲРИРИЯТИДАН: Ўз тарихий йўлига эга чанг миллий чолғулар ансамбли эндиликда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси қошида фаолиятининг янги саҳифаларини очмоқда. Ансамблнинг босиб ўтган ижодий йўли, эришилган муваффақиятлар ҳаммаси устоз санъаткор Аҳмад Одиловнинг ишбилармон, моҳир мураббийлиги, юксак созанда ижрочилиги, ташкилотчилигининг фаолиятидир. Биз ғайратли, жўшқин, ёрқин санъаткор, тиниб-тинчимас устозга ва унинг гўзал ансамблига мустақил мамлакатнинг шуҳратига шуҳрат қўшиш, санъати довруғини дунёга таратишда энг яхши тилакларимизни билдирамиз.**

*Камолот фазосидан нурлар*

Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-ЖАЗАРИЙ

# ТАСАВВУФ СИРЛАРИ

## РУҲИЙ ХАСТАЛИКДАН ШИКОЯТ

Эй, ҳақ йўл излаган биродарим, Аллоҳ Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло сену бизни — барчамизни ҳақиқатга етказсин. Омин! Айтайлик, бир бемор одам ўзи ва умум ҳаётининг ҳақларини ўз вактида ўрнига келтира олмаяпти ҳатто касаллигининг зўрайиши эҳтимоли бор ва бу касаллик юқумли бўлиб, атрофдагилар соғлиғига хавф солса, албатта бунга бошқалар бефарқ бўлишмайди. Касб ва руҳ касаллигини ҳам шундай тасаввур эт. Ҳа, ҳақиқатда шундай. У диний ва башарий ҳаёт шартларини ўз ўрнига қўйишдан ожиздир. Руҳий хасталиклар кўпинча жисмоний азобардан кўра оғир кечувчи ва ҳатто юқумлироқдир. Шуниси ғоят ажабланарлики, инсонларнинг кўпчилигига руҳий касалликларнинг давосидан гапирганинг ҳамоно даҳшатга тушадилар. Худди у касаллик эмасу, давоси ҳам керак эмасдай. Ва гўё «уларнинг дилларида мараз бор эди, бас. Аллоҳ маразларини янада зиёда қилди» (Басқара сураси, 10-оят) калимаси қалб касалликларидан хабар бермаётгандай...

Ва ёки «Магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина фойда берур» (Шуаро сураси 80-оят) оятни қалбнинг сиҳат-саломатлигига буюрмаётгандай... Ёки Ҳадиси Шарифда:

«Огоҳ бўлинглар, вужудда шундай бир гўшт парчаси борки, агар у соғлом бўлса, бутун вужуд соғломдир, агар у бузилса, бутун вужуд бузулур. Бу қалбдир» (28) шаклида изоҳлаб, кўрга ҳассадай қилиб берилмаётгандай...

Албатта, агар қишининг танасида кичкинагина яра уч берса, неча кўплаб табибларга бориб келишини кўрасан. Ҳайратки, руҳида ханжар тиғи ярасидан батар минглаб яралар қатланиб ётса-да, буларга даво истаб ҳеч бир табиб ҳузурига ошиқишини кўрмайсан.

Ажаб!

Нима учун бу хасталикларга тан дарди каби қайғурилмайди?

Нега уларнинг сабаблари, даво чоралари сўралмайди!

Нима учун бу руҳий касалликларга мубтало бўлганлар алам ва изтироб чекмайди?

Ва нима учун бу муҳимдан-муҳим мушкулни ҳаллашга муҳтож бўлган қутқарувчи бир таҳлилни эшитмайди?

Бу ҳол асримизда (ҳақиқатларга қарши) қалбларни ўраб-чирмаган бир пардадир.

## НАФСНИ ТАРБИЯЛАШ, ПОКЛАШ ҲАММА НАРСАДАН АВВАЛ КЕЛАДИГАН ЭНГ МУҲИМ ЗАРУРИЯТДИР

Эй, ҳақ йўл излаган биродарим, Жаноби Ҳақ сени ва бизларни ўз ҳифз-ҳимоясида сақласин. Омин! Биласанки, Аллоҳ Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло ҳазратларининг борлиги, ягоналиги, Ҳазрати Муҳаммад(с.а.в)нинг пайғамбарликлари ва Аллоҳдан келтирганлари — барча нарсалар рўйрост қаршимиздадир+ Англаш ва идрокка халал берувчи дард ё руҳий касаллик монеъ бўлмаса, уларни исботлашга уриниш ва далиллар қалаштиришга ҳожат йўқ. Англаш ва ҳужжатга идрокда нуқсон ва хасталик бўлсагина эҳтиёж сезилади. Кўнгил ва кўришда соғломлик бор экан, нарсанинг ҳамма тарафи аниқ-тиниқ кўринади. Сариқ касаллигига чалинганни кўрганмисан? Бу дардга мубтало бўлган киши учун асал ва шакар ширинлиги далил ва исботга муҳтождир. Тузалса, унда далига эҳтиёж сезмас. Ҳадди зотида иллат баҳона нашъа этувчи далил эҳтиёжи билан касалликнинг бўлиши орасида бир зиддият йўқ. Албатта, кўзи яхши кўрмайдиган кимса тоқни жуфт кўрар ва бу хато кўриши билан тоқни инкор этар. Инкорида у маъзурдир. Бироқ иллат сабаб унинг бу ҳукми тоқ нарсанинг очиқ-ойдин кўриниб турган ягоналигини йўққа чиқара олмагани каби, назарий жиҳатдан ҳам асослаб беролмас. Шуниси аниқки, далилга суяниб ҳукм чиқариш бирмунча оғир(иш)дир. Далил, назария ва фикр йўлидан яқийн (сўзсиз-далилсиз ишониш)га эришмоқ ғоят мураккаб. Худдики, шакарнинг ширинлигига ишониш учун касалликнинг кетиши, шакарнинг ширинлигига далил келтиришдан кўра муҳимроқ экан, имон соҳиби бўлиш учун руҳий хасталик(лар)дан фориғ бўлиш ҳам худди шундай керакли ва зарурдир. Ўзидаги сариқ касаллиги сабаб шакарнинг ширин таъмини аччиқ, деб турган, ширинликка алоқадор далилларга қандоқ ишонсинда, яқийн ҳосил этсин... Бинобарин, сўз юритилаётган тасаввуф мавзуининг ҳоли ҳам худди шундай.

Нафси аммора шаръий ҳукмларни кескин инкор этади ва бузуқ табиати хоҳишича зиддига ҳукм қилади. Бу очиқ ҳукмлар юзасидан далили келтириладиган нарсанинг аввало инкори бор экан, (начора) далиллаш йўли билан яқийнни қўлга киритиш зарурияти бор. Зеро, сўзсиз керакли бўлган яқийн қўлга киритилмас. «Дарҳақиқат, уни (яъни ўз нафсини — жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (жонни фисқ-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурод бўлди». (Ваш-шамс, 9—10)

Аён бўлдики, бу очиқ шариат ва гўзал ҳукмларни инкор қилган, шакарнинг ширинлигини инкор қилувчи хасталикка чалинибди.

**Пешин чоғи офтобнинг кўкда порлашлиги**
**Зарар бермас кўр кўзнинг уни кўрмаслиги.**

Тасаввуфда сулук тазкийа-и нафс, тасфийа-и қалб ва тасфийа-и руҳдан мақсад имоннинг ҳақиқатига етишмоқ ва «Уларнинг дилларида бир мараз бор эди, бас, Аллоҳ маразларини янада зиёда қилди» (Бақара, 10) ояти каримасида ишора қилинган маънавий офатларни, руҳий касалликларни ва башарий кирларни кетказишдир. Агар бу офатлар баробарида имон ҳам бўлса, у имон юзаки кўринишда. Чунки нафси амморанинг борлиги имоннинг йўқлигини билдиради. Нафси аммора эса куфр ва исёнида ғоят устаси фаранг. Шаклдан иборат бўлган бу имон сариқ касаллигига чалинган кишининг аксида шаҳодат берган ва ҳукм қилган кимсалар сўзига кирибгина шакарнинг ширинлигига ишонишига ўхшайди. Имоннинг ҳақиқати, яъни илоҳий ҳукмларнинг тўғри ва ҳақиқийлиги, нафсни тарбиялаб, софликка етишиши билан бўлади ва имон ўша вақтдагина виждонга айланиб, қалбга ўрнашади. Агар биз тасаввуфнинг нафсни башарий чиркинликлардан, руҳни табиий кирлардан тозалашга боғлиқлигини, Қуръон ва Ҳадис тили билан доимо бу нарсаларга ишорат этишини билсак, айни чоғда тазкийа ва тасфийага суянган соғлом қалб иймони содиқ яқийнни, Қуръоний ахлоқни кулий, табиий ва такаллуфсиз бир шаклда билсак, ўшандагина тасаввуфнинг аҳамиятини ва унинг улвийати нечоғлик улканлигини бутунисича, бор бўйича том маънода англай оламиз. Чунки тариқатдан мурод ҳар хил зикр, одоб ва аврод (вирдлар) билан турли ибодатларни бир низом баробарида ва қалб ҳузури ичида юритишдан иборат. Ҳақиқатнинг натижаси нарсанинг аввали ва охирини кўринарли ҳолда кўришдир. Илмийликнинг натижаси (эса) унга ҳеч бир шубҳа қориштирмасликни Аллоҳни эслаш. Уни ҳар бир нарсада кўриш ва тамом нарсаларнинг Унинг билан қойим бўлганига қатъий ишониш каби. Шояд аҳвол бу экан, ҳамма нарса Ундан келиб Унинг билан қойим бўлиб ва унга қайтса, биз ҳам ҳамма нарса устида қудрат муҳрини кўрсак, салтанат нишонасини ўқисак, ҳар вожиб ишни қилишимиз, яхши кўришимиз керак бўлган нарсани хушламаслигимиз, қўрқишимиз зарур бўлган нарсалардан қўрқишимиз, Аллоҳ учун, Аллоҳнинг амри билан Аллоҳ йўлида олиш-беришимиздан қочмаслигимиз керак бўлади. Зотан, бу — эҳсоннинг айнан ўзи ва асосидир.

Албатта, тасаввуфнинг аҳамияти мавзусининг муҳимлигидан кўриняптики, у ҳам эҳсондир. Илми каломнинг мавзуси имон, фиқҳнинг мавзуси Ислом бўлгани каби...

Амалларнинг барчаси ихлосга боғлиқ. Ихлосдан маҳрум бўлган амалнинг қутулиши, нажоти йўққи, Эшитувчи нафсга кўпинча таъсири бўлмас. Мухлис бўлган иддио қилган нарсасига ишонади ва ўзини бутунисича у нарсага беради. Аммо ихлосдан маҳрум бўлган ҳар қанча даъвосини тили билан, ҳаракатлари билан сўйлаганларини таъкидлаб такрорласа-да, кўзлардан узоқ ва яширин тарафи буни очиқдан-очиқ инкор қилар. Бу ишни ўзига қилдирган эса маъмурият ёки таҳдид, ё бу йўлда қўлга киритадигани ютуқдир, бошқа нарса эмас.

## ШАРИАТ — ТАРИҚАТ — ҲАҚИҚАТ — МАЪРИФАТ

Эй, ҳақ йўл излаган биродарим, Аллоҳ сени ҳам, бизни ҳам ҳаққа, ҳақиқатга етказсин. Омин! Билки,қисқа ва ижмоли бўлса, бу калималарнинг маъносини билишинг ўзинг учун кўп яхшидир. Чунки тилларда кўп такрорланса-да, кўпинча уларнинг қўлланилиши асл маъноларидан жуда йироқ. Шундайки, инсонлар бу калималарни қўллашда айри-айри тараф олганлар. Ҳар ким ўз завқига уйғун тарзда тафсир этмоқда, баъзилар ёмон мақсадлари йўлида қўлламоқда ва оддий манфаатларига қурол қилмоқда.

Шариат — шаръий аҳкомларнинг тамомига берилган исм. Муқаддимага кўра, бу калима зоҳир ва ботин бутун амалларни қамровчидир. Бинобарин, Имом Абу Ҳанифанинг фиқҳни «Нафснинг ўзига зарарли ва фойдали нарсаларни билишидир» шаклида таъриф қилгани ривоят этилади. (Ибни Обидин, 1-жилд, 61-бет).

Ундан сўнг мутаоххирин келди ва шариатнинг зоҳирий амалларга тегишли қисмига фиқҳ дейилди. Ботиний амалларга оид бўлимига Тасаввуф номи берилди. Ботиний амалларинг хилма-хил йўлларига эса Тариқат дейилди. Ундан кейин бу ботиний шакллардаги гўзаллик натижасида қалбда юзага келган софлик ва порлоқлик сабаби билан коинотнинг аён ва пинҳонини афзаллик билан гўзал ва чиркин амалларни, зоти ва сифати бўлиш баробарида илоҳий ҳақиқатларни ва хоссатан қул билан Аллоҳ орасидаги муомалаларга алоқадор баъзи ҳақиқатларнинг қалбда очилишига Ҳақиқат дейилди. Ва бу очилиш Маърифат деб, бу кашфларнинг соҳиблари эса Муҳаққиқ ва Ориф деб аталди. Буларнинг ҳаммаси шариатнинг маҳсулидир. Шариат дарахтидан таралган шох ва бутоқлар кабидир. Шариат бўсағасидан йироқ ва Расуллуллоҳнинг суннатларига бегона тариқат ва ҳақиқат асло мўътабар эмас. Авом орасида тарқалган «Шариат бу — фақат зоҳир амаллардир» сўзи эса ҳеч бир олим тарафидан айтилмаган. Чунончи, мусулмонларнинг устози Имоми Ҳакийм Абу Ҳамид Ал-Ғаззолийнинг мавзуга алоқадор таҳлилига қара, у айтадики: «Фиқҳ илк асрларда охират йўлини, нафснинг таҳликали офатларини, амалларни йўққа чиқарувчи нарсаларни, дунёни таҳқир қилувчи мислсиз кучни охират неъматларини қўлга киритишнинг оғирлигини ва Аллоҳ қўрқувининг қалбда ўрнашишини кўрсатган бир илм ниҳоли эди... Бу асрларда эса асл(моҳият)га алоқаси йўқ, ғариб фатволарни билишга, уларнинг нозикликларидан воқиф бўлишга, мавзуга оид кўп сўзлашга ва у билан алоқали сўз ва мақолаларни ёдлашга қаратилган.

Илм лафзи ҳам илк асрларда Аллоҳни ва Унинг оятларини билиш, қулларга ва маҳлуқотга тегишлик ишларни ўрганишга қаратилганди. Замоннинг инсонлари эса уни кенгайтира-кенгайтира қатъийлик билан фиқҳ ва бошқа масалаларда иши тортишув ва мунозара бўлган кимсаларга дастак қилиб бердилар.

Илк мусуломнларга кўра,тавҳид инсонларнинг бутун сабаб ва воситаларга илтифотини, алоқани кесиб, ҳар нарсанинг Аллоҳдан келганлигини, яхши ва ёмоннинг ҳам Ундан эканлигини билиш эди.Бугун эса сўзлаш ва курашиш йўлларини ўрганиш санъати, ўз рақибини тор-мор этиш усулларини пухта билиш, кўп сўраш, шубҳа ёйиш, суҳбатдошини мот қилиб гапиртимай қўйишдан иборат бўлди. Ҳатто бу сўз санаткорларидан баъзилари ўзларига «тавҳид ва адолат соҳиби» дея от қўйдилар. Ҳолбуки, тазкиядан мурод Аллоҳ Таолонинг: «Ва (Қуръон билан) панд-насиҳатлар мўъминларга нафъ етказур» (Ва-З-зориёт, 55) ояти билан қайд этган маънодир. Фақат замоннинг воизлари буни шеър ўқиш, қисса ва ҳикоя англатиш санъатига алишдилар».

Имом Ғаззолий таассуфларини битириб, шундай дейди: «Бир фақиҳдан бу лафзларининг маъноларидан бири ва ё судхўрлик (фойда)дан сақланиш йўллари сўралса, охират хусронидан қўрқиб, сукут қилади. Агар унга лиондан, зиҳордан, мусобақа ва отишдан сўрасанг, сенга асрлар ўтса ҳамки эҳтиёжи ҳеч кўрилмайдиган кичик масалаларни қалаштириб тушунтиришга зўр берар. Ундан сўнг ҳам ҳасрат чекиб давом этар. Аммо охират йўлининг илми ва салафи солиҳийн азимат билан ҳушёр турган,Жаноби Ҳақ Қуръони Каримида фиқҳ, ҳикмат, илм, зиё, нур, ҳидоя рушд дея номлаган бу илмлар (эътиборсиз) қўйиб қўйилди ва инсонлар орасида унутилиб кетди».

Эй,устоз, қасамки, сен тамоман ҳақлисан.

Чунки у Ислом оламини кезиб кўп олимларга етишган ва кўзи билан бу сўник қандилни кўриб, мушоҳада этган.

## ШАРИАТНИНГ УЧ БЎЛИМИ

Албатта, шариатнинг уч бўлими бор: илм, амал, ихлос... Бу уч бўлим ўз ўрнига келтирилмагунча шариат ҳам қойим бўлмас. Шариат талаби бажарилдими, дунё ва охират саодатларига васила бўлувчи Аллоҳнинг ризолигига эришилади. Аллоҳнинг ризоси эса ҳамма нарсадан юксакдир. Бундан кейин шариат ташқарисидаги ҳеч бир нарсага эҳтиёж қолмас.

Сўфийлар файз олган тариқат ва ҳақиқат ихлоснинг камоли йўлида шариатнинг хизматчисидир.

Бу уч бўлимнинг ҳар бирини қўлга киритишдан мақсад эса шариатни қўлга киритишдан бошқа нарса эмас. Сўфийлар учун тариқат асносида юзага келган ҳоллар, важдлар, илмлар ва маърифатлар асосий мақсад саналмас. Балки у нарсалар билан тариқат болалари вояга еткизилар, ўстирилар. Сўфий бутун бу мақомлардан ошиб сулук ва жазба мақомларининг охиргиси бўлган ризо мақомига етишиши керак.

Шубҳа йўкки, тариқат ва ҳақиқат манзилларидан юриб ўтмоқдан ғоя Ризо мақомига элтувчи ихлосга эга бўлишдан бошқа нарса эмас.

Фақат эси пастларгина ҳол ва важдларни мақсад биладилар. Мушоҳада ва тажаллиётни ҳам исталган нарсалардан гумон қиладилар. Шубҳасиз, улар гумон ва ҳаёл чангалида тутқундирлар ва чақирғимизни ўзларига оғир олган ғофиллар ҳам бу ишончлари сабабидан шариат камолидан маҳрум қоладилар.

Албатта, ихлос ва ризо мақомларининг натижалари бу ҳол ва важдларни ошишга, илм ва маърифатларин ҳақиқий, тўғри билдиришга боғлиқ. Бутунисича бу исталганлар умид қилинган нарсаларнинг борбисоти ва мақсаднинг аввали эди. Асл мақсад эса виждон (қалб)ий иймонни қўлга киритиш ҳамда исломий ҳақиқатлар билан равшан topтган бир табиатга (хулққа) такаллуфсиз кирмоқлик. Муҳим ва асл нарса ана шу, бундан бошқаси хом хаёлдир.

Албатта, агар суннати санийййа(унинг соҳибига энг афзал, гўзал салом ва салотлар бўлсин)ни маҳкам тутиш йўлида важду ҳоллар ҳосил бўлса, не аъло...

Лозим бўлган нарсаларнинг энг биринчиси аҳли суннат вал-жамоат эътиқодига уйғун шаклда ақидаги эга бўлиш. Иккинчиси эса фарз, вожиб, суннат, мандуб, ҳалол, ҳаром, макруҳ ва шубҳали нарсаларни ўрганиш ва шунга кўра амал қилиш. Бундан кейин учинчи бўлиб тасаввуф илми келади. Лекин... минг афсуски, кейин-кейин бош кўтарган бидъат(иш)лар тариқат ичига шу қадар кўп сингиб кетганки, тариқатларга мухолиф бўлганлар «тариқатлар суннатдан узоқлаштирувчи, бидъатни ўргатувчи» десалар, ҳақли бўлиб чиқадилар. Зеро, баъзилар бу покиза тариқатларда бора-бора шариатга мухолиф нарсалар ижод этидилар ва суннатни ташвиқини бидъатларни ёмонламай олиб бордилар ва шу алфоз атрофларига мурид тўплашга уриндилар.

## ИСТИҚОМАТ ҚАНДАЙ ҲАМ ГЎЗАЛ КАРОМАТ

Эй, ҳақ йўл излаган биродар, Аллоҳ сену бизни — барчамизни ҳақиқатга етказсин! Омин! Маълумки, фавқулодда нарсалар икки турли. Биринчиси — илмлар ва маорифи илоҳийайки, Вожибул-вужуд бўлган Жаноби Ҳақнинг вужуд (борлиқ) ва сифатларига тааллуқли. Бу — ақл чегараси ичида, билинганнинг итиййод одабланмоқ ҳолига келтирилганнинг аксига, модда устидир. Жаноби Ҳақ бу билан хос қулларини имтиёз соҳиби қилган. Иккинчиси — маҳлуқотнинг суратларини кашф қилмоқ, олам билан алоқали баъзи ғайб(иш)лардан хабар бермоқ.

Биринчиси ҳақ соҳиблари ва маърифат арбобига тегишли. Иккинчиси эса ҳам ҳақ, ҳам ботил инсонларга оид. Чунки бу нарса беақл бўлган истидрож эгаларининг қўлида ҳам бўлаверади.

Авомнинг назарида муҳим ва мўътабар саналувчи иккинчиси . Ҳатто бу ҳол истидрож аҳлида кўрилса, жаҳолатлари сабабидан ибодат қилинаётганига йўярлар. Қўйингки, бу маҳрумлар биринчини каромат ҳисоблайди. Улар назарида каромат — махлуқотнинг суратларини кашф қилмоқ ва ғойиблардан хабар беришдан иборат.

Иккинчи гуруҳга кирувчи ҳақ ва ботил эгаларини бир-биридан фарқлашнинг йўли шуки: агар у шахснинг шариат йўлида истиқомати, суннати санийййага боғлиқлиги бўлса, ҳузурига борилганда қалбда тоат-ибодатга хоҳиш, жазба ва Аллоҳга йўналтирувчи ҳолат юз берса, у ҳақ. Бунинг акси бўлса, ботилдир.

Шайхул ислом Ал-Ҳиравий дейди: «Менда тажриба билан собит бўлган нарса шуки, ярайдиган билан ярамайдиганни ҳамда Аллоҳ билан машғул истеъдодлини истеъдодсиздан айирмоқ бу — маърифат аҳлининг фаросатидандир.

Оқибат-натижада улар шунга кўра иршод этиб, тарбия қилинади. Замонамизда эса инсонлар эътиқод ва амали нима бўлса бўлсин, ўзидан фавқулодда бир ҳол зуҳур этган ҳар касга ғавс ва қутб дерлар. Ҳолбуки, улар ғавсиёт ва қутбликнинг на ҳидини туйганлару ва на унга яқин борганлар. Салафи солиҳийн (уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) ҳақида сўзларкан, муҳтарам падаримнинг ҳам таъкидлаганлари каби, агар бир кишининг ҳавода учганини, сув бетида юрганини кўрсанг ҳам, аксар пайтлар суннати санийа (унинг соҳибига энг гўзал ва афзал саломлар бўлсин)га боғлиқлиги йўқми, уни назарга илма. Бу каби касларнинг этагини тутиш жоиз эмас.

Ҳатто сўфийлар кароматни яшириш вожиб эканлигини, фақат иршод талабасииннг эътиқодини соғломлаштирмоқ ёки ўзида ҳол ғолиб келиши каби ҳолатларда жоизлигини айтганлар.

Аниққи, руҳий ҳаёт ёлғиз мужоҳада ва риёзат билан қўлга киритилади. Шунингдек, қулларнинг ўз тарбиялари устида мутлақо ғайрат сарфлашлари зарур. Жаноби Ҳаққ фасли кармидай убботиний неъматни ва руҳий ҳаётни истар шаклда инсонга бера олади. Зеро у ҳамма нарсадан юксак ва буюкдир. Истаган, хоҳлаган ишини қила олади.

Шу боис олдин риёзат, сўнг Аллоҳга етишиш келишини ва бу сулук дейилишини тушунишимиз керак. Баъзан эса акси ҳам бўлади. Олдин вусул ҳосил бўлади, ундан кейин ибодатлар ва мужоҳидага рағбат ва муҳабабт ортади. Бу йўлга жазба дейилади.

Туркчадан Баҳриддин УМРЗОҚОВ таржимаси

---

*Адабий консепсиялар*

**IX асрда яшаган араб филологи Ибн ал-Мўътазз суянган фикрга қараганда, бадиийлик, арабча, бадаа масдари (феъли)дан бўлиб, «янгилик» деган маънони билдиради. Шу сабабли, «бадиийлик» атамаси абадиётнинг энг нозик жиҳати билан алоқадор, шунга эътиборимизни тортади, чунки асарда янгилик бўлмаса, унинг ўрнида такрор, қайтариқ бўлса, бундай асар адабиётга нокеракдир.**

Ҳар бир асар тақдирини риторика эмас, балки янгилик ҳал қилади, шунинг учун бадиий асар миллат ва жаҳон адабиёти тарихига киради. Янгилик эса асарнинг мазмун томонига ҳам, шакл томонига ҳам тегишлидир. Янги нарса эса диққатни тез тортади ва жозибали ҳам мафтункордир, чунки ҳаётий ва руҳий ҳам маънавий эҳтиёж туфайли келиб чиқади, кишилар талабини қондиради. Маълумки, адабиёт гўзаллик қонунлари тўғрисида баҳс юритади ва шу ўзанда ривож топади, гўзаллик ички ва ташқи бўлади, иккаласи уйғун ҳолда яшайди, инсон унга интилади. Бу ҳол бадиийлик билан алоқадор эканлиги табиий ҳодиса, чунки бадиийлик, янгилик маънодан, шаклдан, гўзалликдан ташқарида яшай олмайди.




Бадиийлик тушунчаси Абдураҳмон Жомий асарларида ҳам учрайди. У Салмон Соважий ҳақида шундай дейди: «Унинг икки маснавий китоби бор, бири «Жамшиду Хуршид» бўлиб, унинг услуби сертакаллуфлигидан бадиият чегарасидан чиқиб кетган. Иккинчиси «Фироқнома» деб аталадиган бадииятда юксак ва назмиётда латиф» («Баҳористон»).

«Бадиийлик» атамаси Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро» асарида Алишер Навоийнинг

Агар хонада киши бўлса, шарпанинг ўзи кифоя деган мисрасига нисбатан ишлатилган.

«Художник» сўзи — умелес, яъни «соҳир» деган маънони билдиради, «художественност», яъни бадиийлик шу сўздан юзага келган.

«Бадиийлик» атамаси Оврўпода дастлаб Гегелда дуч келади, Россияда XIX асрда пайдо бўлди. 20-30-йилларда Абдураҳмон Саъдий, Фитрат асарларида, ўқув қўлланмаларида «бадиийлик» атамаси ўрнида «нафис», «нафислик», «нафис адабиёт» атамалари келиб чиқди (нафис, кўплиги нафоис, нозик, бежирим, кўркам демакдир).

«Бадиийлик» атамаси синкретик санъатга, тарихий мавзудаги мемуарга ва муаллифи бўлмаган (яъни ёзма адабиётга тааллуқи йўқ) асарларга нисбатан ўз тўла маъносида татбиқ этилмайди. Рус матбаасидаги бу қарашни ўзбек фольклоршунослари бир ўйлаб кўрса бўлади. Ўзбек халқининг муайян анъанавий достонининг у ё бу вариантини ҳам бирон халқ шоири ё бахшиси айтган Аммо фолклор ўзига хос адабиётдир. Ундаги бадиийлик ҳам ўзига хосдир. Чунки уни коллектив (жамоат, омма) яратади.



Адабиётдаги бадиийлик тўғрисида баҳс юритяпмиз. Санъатнинг турли кўринишларида ҳам бадиийлик мавжуд. Санъат турларидан бўлган адабиётдагина эмас, балки кино, театр, музика, ҳайкалтарошлик, телевидение ва меъморликда ҳам бадиийлик бор; бадиийлик бу санъат турларида, уларнинг ўзига хосликлари асосида алоҳида юзага келади, масалан, адабиёт сўзга, рассомлик бўёққа, мусиқа товушга суянади, лекин умумий хусусиятлар ҳам бор, айни ҳолда, аниқ белгилар ҳам йўқ эмас. Умумийлик ҳамма санъат турларининг образ билан иш кўришидир. Шу таҳлиллардан хулоса қилиб айтиш мумкин, **«Бадиийлик-санъат соҳасига оид бўлган ижодий меҳнат самарасини белгиловчи ички (тузилишга оид) хусусиятларнинг мураккаб йиғиндисидир» (Қисқача адабиёт қомуси» — КЛЭ).** Бу умумий таърифдир. Аммо унда бадиийликка тегишли бўлган ички ва мураккаб тузилишга эътибор қилинган. **«Бадиийлик тушунчаси торроқ ва (кўпроқ қўлланилган) маънода ижодий мақсаднинг айнан ва бир хил идрок этилишидаги поёнига етганлик ва амалга ошганликка, ҳиссий тугалликка баҳо бериш жиҳатини»** (Гегел) ва ёзилган санъат асарига хос бўлган ҳам **унинг китобхон, томошабин ва тингловчига таъсир этиш гарови бўлгани маҳорат (артистизмни) биринчи ўринга чиқаради» (ўша жойда).**

**Ф. М. Достоевскийнинг айтишича, «...бадиийлик масалан, ақалли романнависни олсак, ўз фикрини романдаги шахслар ва образларда шунгача аниқ ифода этиш истеъдодидирки, китобхон романни ўқиб, ёзувчи ўз асарини яратиб, ўз фикрини қандай тушунган бўлса, худди шундай тушунади».**

Аҳамият беринг, Гегел адабиётда маҳорат унинг таъсир этиши, Достоевский истеъдод масалаларини алоҳида таъкидламоқда. Демак, бадиийлик тушунчаси доирасига санъатнинг муайян соҳаси, унинг ички тузилиши ва ундаги мураккаблик, санъат асарида ёзувчи ўз олдига қўйган мақсад, унинг аниқ ифодаланиши, ёзувчи ниятининг амалга ошганлиги ва асарнинг қиёмига етказиб ишланганлиги киради, аммо ҳали бадиийликка адабий жараён ва унинг эстетик идеали таъсири, ҳар бир бадиийликнинг шу соҳадаги муайян даража эканлиги айтилгани йўқ. Юқорида келтирилган умумий ва қўлланиб келаётган маънода дейилган таърифлар тўла эмаслиги аён бўлиб турибди.

Бадиийликни ҳосил этиш мақсади ҳаётни орзу этилган даражада қуриш ва яхшилашга хизмат қилади. Бадиийлик бадиийлик учун яшамайди, балки ҳаётнинг мураккаб масалаларини ҳал этиш, инсон онги ва руҳиятига таъсир кўрсатиш ва уларни эзгулик, рўшнолик, тараққийпарварлик ва шу билан бирга, гўзалик ва зарурат қонунлари асосида ўзгартириш учун даъват қилинган.

Н. К. Гей ва Иззат Султон «бадиийлик мезонлари» атамасини ишлатган. Рус манбаларида «бадиийлик нормалари» («нормы художественности») атамаси ҳам қўлланилган.

Н. Шамота ўзининг «Бадиийлик ҳақида» (1958) китобида айтишича, **бадиийлик мезонлари учта**, бири **тасвирланган воқеанинг типиклиги ва бир бутунлиги ҳам унинг ҳаёт ҳақиқатига мос келишидир**, яна бири **тасвирнинг эмоционал таъсир этиш кучидир**; охиргиси **шаклнинг ғоявий юксак мазмунга мос келиши ва шакллар гўзаллигидир** (349-бет).

Адабиётшуносликда бадиийлик ҳақидаги консепциялар турлича бўлиб келган. Қадимги грек поэтикасида бадиийлик атамаси йўқ эди, аммо у даврда бадиий асарлар кўп эди. Буни Шарқ поэтикасида ҳам кўриш мумкин.

КЛЭнинг охирги нашрида, Гегел ҳақидаги мақолада маъно ва шаклга оид таълимотга Гегел асос солган, дейилган. Ваҳоланки, араб илмида бу масала X асрдаёқ ҳал этилган. Навоий «Мезонул-авзон»да маъно ва сурат ҳақида сўзлар экан, маънонинг муҳим, суратнинг турлича бўлиши мумкинлигини айтган.

Белинскийнинг «Эстетик кодекси»да бадиийликнинг 5 та қонуни кўрсатилган: I. **Ҳаётни образли кўрсатиш; II. Бузмай, ҳаққоний кўрсатиш; III. Ғоянинг воқеани тўла қамраб олиши лозимлиги. Тўртинчи қонун шуки, ғоя ва шакл бир-бирига мос келиши лозим; охиргиси, асар қисмларининг бир бутун бўлиб уйғунлашувидир**. Буларни Иззат Султон алоҳида таъкидлаган («Адабиёт назарияси» 1978, 1 том. 414-бет).

Марксизм-ленинизм эса бадиийликнинг мазмун томонини «партиявийлик» ва «синфийлик» билан чеклади ҳам масалани бир томонлама ҳал қилди. «Соцсиалистик реализмга» суянган баъзи ёзувчилар эса буни янада тор тушунди. Аммо бу ҳолни англаб тўғри иш тутган ёзувчилар ҳам йўқ эмас.

Ҳозирги рус адабиётшунослари ва ўзбек олимларининг бадиийлик ҳақидаги қарашлари характерда нисбийдир. Айниқса учта қараш алоҳида ажралиб туради:

бири бадиийликнинг «синфийлик» ва «партиявийлик» асосида, «социалистик реализмга» кўра, чекланган нусхасидир;

иккинчиси, бадиийлик адабиёт назарияси демакдир, унга асарда риоя этилса, бадиийлик ўз-ўзидан туғилади деган ақидадир, ваҳоланки, истеъдоднинг такрорланмас мавқеи ҳам бор;

учинчиси, бадиийлик мазмун ва шакл уйғунлигидан юзага келади, деган нуқтаи назардир; бундан янги адабий жараён, бадиий асарнинг руҳиятга ва ҳаётга таъсир этиш масаласи четда қолаётгандек туйилади.

Умуман Иззат Султон ўзининг назарияга оид дарслигида «Бадиийлик критериялари» деб тўрт нарсани кўрсатади:

а) «образли тафаккур орқали ифодаланган ҳаққонийлик»;

б) «самимийлик»;

в) «мазмун билан шаклнинг бир-бирига мослиги»;

г) «бадиий тил» (1980, 226-бет).

Хуллас, Иззат Султоннинг бадиийлик ва унинг мезонлари тўғрисидаги қарашлари бизнинг фикрларимизга яқин келади. Биз эса унга таянган ҳолда, масалаларни бироз системалаштирдик ва «маром» (норма) атамасини киритдик (220-228-бетлар).

Матёқуб Қўшжонов бадиият қонуниятлари деб мазмун ва шакл бирлиги, конфликт, сюжет, композиция, қаҳрамон, тил ва бошқаларни тушунади.

Озод Шарафиддинов эса «характерларни бадиийлик мезони» деб қарайди.

Бадиийлик тўғрисида фақат талаблар қўювчи ва мавҳум, хаёлий, тажрибага суянмаган қарашлар ҳам мавжуд.

Бадиийлик тўғрисида яна бошқа манбалар ҳам бор, уларнинг ҳаммаси ҳақида бу ўринда батафсил тўхтаб ўтишнинг иложи йўқ, биз манбаларнинг энг муҳимларидан баҳс этдик холос.

Кўпгина олимларнинг асарларида бадиийликка оид қимматли мулоҳазаларни учратиш мумкин бўлса-да, лекин бадиийлик масаласи ўзбек адабиёти илмида махсус, кенг режада, атрофлича, илмий текширилмаган.

Шуни ҳам айтиш зарурки, ҳар бир давр, ҳар бир ёзувчи ва ҳар бир олимнинг бадиийлик ҳақида ўз қарашлари бор. Мен эса ўзбек адабиётининг баъзи яхши намуналарини, шу масала ва унинг тарихини ўргангач, қуйидаги хулосага келдим:

Аён бўлиб турибдики, бадиийлик тўғрисида фикр айтган тадқиқотчи ва олимлар икки гуруҳга ажраладилар, биринчи гуруҳга бадиийликнинг у ё бу мезони, ё шарти ва воситаси ҳақида сўз айтганлар киради; улар бирон асар таҳлили ёки бошқа муносабат билан мазкур хулосага келган ва бадиийлик мезонлари тўғрисидаги қарашлар шаклланишида ўз улушларини қўшганлар; иккинчи гуруҳга бадиийлик мезонлари ҳақида махсус тадқиқот олиб борган кишилар мансубдирлар. Бу гуруҳ бошида Н. Шамота туради, у 50-йилларда бадиийликнинг учта мезони борлиги ҳақидаги фикрга келди.

Н. Шамота фикри ҳам, ундан кейинги айтилган фикрлар ҳам ўз даврида катта аҳамиятга эга бўлса-да, аммо нисбийлиги сал кунлар ўтмай билиниб қолди, чунки бу муаллифлар бадиийлик учун муҳим бўлган анъана ва янгилик ҳам маҳорат муаммоларини ҳисобга олмадилар; асар таҳлили билан боғлиқ бўлган специфика масаласи ҳам унутилди, ваҳоланки, ҳамма ютуқ ва етишмовчиликлар ёзувчи ва шоирларнинг адабиёт специфкасига амалий муносабатидан келиб чиқади. Специфика деганда, ундан бадиий асарда қандай фойдаланилган деган томон кўзда тутилади. Шу билан боғлиқ бўлган ҳамма жиҳатларни мазмун ва шакл бирлиги мезонига юклаб бўлмайди. Бундан ташқари, шундай бир асосий ва бош масала ҳам борки, унингсиз бадиийлик бўлиши қийин. Бу масала истеъдоддир. Истеъдод бўлмаса, Н. Шамота ва Н. К. Гей аниқлаган учта мезон билан бадиийликни ҳосил этиш амри маҳолдир.

Бизнингча, бадиийликнинг мезонлари учта эмас, балки бештадир. Улар қуйидагича: **истеъдод, адабиётнинг спесификаси (ўзига хос хусусияти), анъана ва янгилик, маҳорат ва таъсирдорлик.**

Бу муаммо долзарбдир ва унинг илмий ҳал этилиши назарий аҳамиятга эга. Адабиёт назарияси дарсликларида ишнинг гоҳо алоҳида масала сифатида махсус қўйилмай келинаётганлиги нотўғридир. Бадиийлик асар сифатини, тўлақонлилигини тайинловчи адабий асослардан бири, унинг текширилиши ўзбек адабиётининг келгуси тараққиёти учун зарурдир.

**Уммат ТЎЙЧИЕВ,**
**филология фанлари доктори**

